



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 14 сентябрь, № 178 (5345)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 27 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги 602-1-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662-11-сонли Қонуни билан тасдиқланган тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда) **30-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Янги ташкил этилган фермер хўжалиқларининг молия-хўжалиқ фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»; қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ақиз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган фермер хўжалиқларининг молия-хўжалиқ фаолияти, шунингдек фермер хўжалиқларининг бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-хўжалиқ фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги 717-1-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 8-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда, № 12, 474-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модданинг иккинчи қисмидаги** «белгиланган намунадаги махсус гувоҳнома» деган сўзлар «текширишларни ўтказишга руҳсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳнома, шахсий гувоҳнома» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарилган, текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби ва текширишни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи»;

3) **10¹-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалиқ фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалиқ фаолиятини режали текширишлар кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади».

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалиқ фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ақиз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалиқ фаолияти, шунингдек кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиқларининг бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-хўжалиқ фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди»;

4) **11-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказиш муддатлари ўттиз календар кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин, бунда ушбу қоида кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас».

Ушбу Қонуннинг 9 ва 12-моддаларида назарда тутилган текширишни ўтказиш учун асос бўладиган ҳужжатлар текширилаётган хўжалиқ юритувчи субъектга тилхат олинган ҳолда топширилган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт ҳисобланади. Текширилаётган хўжалиқ юритувчи субъектнинг мазкур ҳужжатларни олишдан бош торгатгани текширишни бекор қилиш учун асос бўлмайди. Текширилаётган хўжалиқ юритувчи субъект мазкур ҳужжатларни олишдан бош торгатган тақдирда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан унинг ўзи ва текширилаётган хўжалиқ юритувчи субъект имзолайдиган далолатнома тузилади. Текширилаётган хўжалиқ юритувчи субъект мазкур далолатномани имзолашдан бош торгатган, далолатномага тегишли ёзув киритилади. Бу ҳолда далолатнома имзоланган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).



ШУҲРАТИНГДАН МАСРУРМАН, ВАТАН!

Фаргона азал-азалдан сўлим табиати, дилкаш ва оккунгил, деҳқончиликни ҳам, хунармандчиликни ҳам ўрнига қўядиган одамлари билан шўхрат қозонган. Лекин бу диёр ҳеч қачон бугунгидек обод бўлган эмас. Равон йўллар, шинам уй-жойлар, гўзал хиёбонлар, замонавий таълим масканлари, барча шароитларга эга гажум бозорлар, ҳар бир новдасидан бол томиб турган боғлар, хуллас, айтаверсак, обод маскан ва манзилларнинг санаб адоғига етолмайсиз.

Айниқса, ободликнинг ёрқин тим-солига айлиниб бораётган бугунги Марғилон кўчаларини кезиб, ҳар қадамга кўзни қувонтирадиган гуллар атридан сармаст бўласиз. Тўбора янгилаб чиқиб бораётган қадимий Ҳўқанди латиғида амалга оширилаётган кенг кўчалар қурилиш ва бунёдкорлик ишларини маромига етказиб таърифлаш учун камида мавлоно

Муқимийнинг истеъдод ва маҳорати керак бўлади. Шунингдек, ҳар бири дурдек порлаб, одамда хайрат ва ҳавас уйғотадиган Фарғона шаҳри, Олтиариқ, Риштон, Ўзбекистон, Қува, Бешариқ туманларида амалга

Ифтихор

оширилган бунёдкорлиги буюк ўзгаришлардан кўнгул гурур-ифтихорга тўлади.

Бундай янгилашлар одамларнинг турмуши, онгу тафаккури, уларнинг ҳаётга қарашиди, эртанги кунга бўлган ёрқин ишончиди ҳам намоян бўлмоқда. Бошқача айтганда, вилотиёнинг ҳусну таровати одамлар табиатида ҳам кўчиб ўтгандай... Айниқса, водий ёшларининг гайрат-шижоати, орзу-ўйлари, спортда эришаётган ютуқларидан қувонмаслик мумкин эмас.

Давлатимиз раҳбари томонидан

(Давоми 4-бетда).

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК, ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Қурилиш. Қурилиш техникаси. Қурилиш материаллари — ExpoConstruction — 2011» саккизинчи халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади. У Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «ZagExpo» кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.



Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда илмий амалга оширилаётган ислохотлар натижасида иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, қурилиш соҳасида ҳам улкан муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бу борада кўплаб корхоналар ташкил этилиб, улар томонидан янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётгани

муҳим омил бўлмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида республикаимизда 558 та ишлаб чиқариш объекти объекти оёбдала-Халқаро кўргазма

халқимизнинг фидокорона меҳнати билан қад ростлаган йирик иншоотларга, кўркам, шинам ва замонавий тураржойларга, турли ижтимоий объектларга гувоҳ бўласиз. Бундай эзгу сый-

ҳаракатлар нафақат шаҳарлар, балки Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида қишлоқларимизда ҳам жадал давом этаётгани, айниқса, қуварларидир.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКISTON БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА КАТТА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИЛАЁТГАН ЭНГ ИЛГОР ЕТАКЧИ ЎН МАМЛАКАТ САФИДАН ЖОЙ ОЛДИ

Ўзбекистон «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илгор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди.

Бу борадаги индекс 10 минг аҳолига хизмат кўрсатаётган тиббиёт ходимлари сони, мамлакатнинг барча ҳудудларида тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг самардорлик даражаси каби қатор муҳим кўрсаткичларга асосланган. Шунингдек, болаларнинг мунтазам эмлашга қамраб олинган даражаси, аёлларга туғиш пайтида сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари каби омиллар ҳам эътиборга олинган. Мамлакатимиз ушбу барча кўрсаткичлар бўйича рейтингда тўққизинчи

ўринни эгаллади ва Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ сингари дунёнинг кўплаб энг ривожланган давлатларини ҳам ортда қолдирди. Болаларнинг барчаси Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган ва соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш борасида ғамхўрлик кўрсатиш энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган давлат сийсати нечоғли юксак самаралар бераётганининг яна бир тасдиғидир. Мамлакатимизда болалар соғлом

туғилиши ва улғайиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида туб ислохотлар амалга оширилиб, қатор давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилмоқда. — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Дилором Аҳмедова. — Мамлакатимизда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» дастури умумийлик ҳаракатга айланди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда замонавий

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ ВА ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

13 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши тақлиф этган кун тартибини тасдиқлаганларидан кейин депутатлар Вазирилар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2011 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросига доир ҳисоботини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев маъруза қилди, Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси Б. Иминов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ҳисобат даврида муқаддам Олий Мажлис томонидан

тасдиқланган 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури муваффақиятли бажарилаётгани ҳақида маълум қилди. Хусусан, касб-хунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 520,2 мингдан ортиқ янги иш ўрни очилди. Шунингдек, жумладан, уларнинг 352,6 мингтаси ёки 68 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Савол-жавоблардан кейин ҳисоботнинг баътафсил муҳокамаси бўлиб ўтди, унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Муҳокамадан содиратилган вакиллар фракциялари вакиллари таъкидлаганидек, республикаимизда қабул қилинган иқтисодий ривожланишнинг ўз моделимиз ҳамда унинг асосида мамлакатни ислохот этиш ва модернизация қилишнинг чуқур уйланган ва пухта тадқиқий дастури принципларини изчил амалга ошириш тўғрисида 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиётнинг юқори даражадаги барқарор ўсиш суръатлари ҳамда макроиктисодий мутаносиблиги таъминланди.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мамлакатни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилишнинг тўғри стратегияси танланганини тўғрисида Вазирилар Маҳкамаси жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарши туришга, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини таъминлашга, ҳақ фаровонлигини оширишга муваффақ бўлди.

Олий Мажлис томонидан

(Давоми 2-бетда).

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бундан ўн йил олдин қабул қилинган амалдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахририни қабул қилишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

МУКАММАЛ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР ВА ТАРАҚҚИЁТ

Дарҳақиқат, ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани, мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганлиги, сифатига нисбатан талаб ошганлиги соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратиши, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжига мос бўлишини таъминлашга.

Маълумки, мустақиллик йилларида миллий қонунчилик тизими шакллантирилиб,

мукаммал қонунлар қабул қилишнинг ҳуқуқий-таъкилий асослари яратилди. Чунонки, биринчи бор 2004 йилда сайланган икки палатали парламент мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислохот этиш ҳамда либераллаштириш, жамиятимизнинг демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида жадал суръат билан ривожланаётган бир даврда фаолият олиб борди.

(Давоми 2-бетда).

туғуруқхона бўлимларида туғадиган аёллар ва чақалоқларга, энг чекка аҳоли пунктларида яшовчи ҳомиладор аёллар ҳамда болаларга ҳам соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражасида малакали тиббий ёрдам кўрсатилаётгани.

Таъкидлаш кераки, мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳомиладор аёлларни таркибиди саломатлик учун зарур микропутриентлар мавжуд махсус поливитаминлар билан таъминлаш орқали уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирлари жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатиди учрамайди.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Тегишли натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) текшириладиган ҳужжалик юритувчи субъектга топширилган кун текширишни ўтказиш тугаган кун ҳисобланади. Текширилаётган ҳужжалик юритувчи субъект текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномани (маълумотномани) олишдан бош тортганда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси бу ҳақда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномага (маълумотномага) тегишли ёзув киритади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади. Бу ҳолда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) бир нусхаси ҳужжалик юритувчи субъектга почта орқали бюуртма хат билан юборилади»;

5) 16-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин: «назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаган кун текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) бир нусхасини олиш»;

6) 17-модда учинчи қисмининг олтинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин: «текшириш натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текшириш тугаган кун текшириладиган ҳужжалик юритувчи субъектда қолдириш».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 69-И-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда, № 9, 494-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 39-модда: биринчи қисмидаги «иккинчи — бешинчи» деган сўзлар «иккинчи — олтинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи ва бешинчи қисмлари куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳужжаликларининг молия-ҳужжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳужжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳужжаликларининг молия-ҳужжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди, ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

куйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдирилсин: «Ақдиз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳужжаликларининг молия-ҳужжалик фаолияти, шунингдек кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳужжаликларининг бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-ҳужжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди»;

олтинчи — ўн иккинчи қисмлари тегишича еттинчи — ўн учинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

еттинчи қисмининг иккинчи жумласи «бунда ушбу қоида кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўн учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин: «Текширишлар натижалари далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси текшириш тугаган кун текшириладиган тадбиркорлик фаолияти субъектида қолади»;

2) 40-модданиннг олтинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятини текширишга киришишига ушбу шахсларда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш буйича махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган текширишларни ўтказиш режасидан кўчирма ёки шу орган қабул қилган режадан ташқари ёхуд муқобил текшириш ўтказиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси, шунингдек назорат қилувчи

органнинг текшириш ўтказиш тўғрисидаги, текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби ҳамда текширишни ўтказиш мuddатлари кўрсатилган байруғининг кўчирма нусхаси, текширувчи мансабдор шахсларнинг текширишларни ўтказишга руҳсат берилганлиги тўғрисидаги махсус вuвоҳномаси ва шахсий вuвоҳномаси бuлганда йuл куйилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Ҳуусий корхона тўғрисида»ги 558-И-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда) 25-моддасига куйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин: «Янги ташкил этилган хуусий корхоналар — кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳужжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

куйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин: «Ақдиз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган хуусий корхоналар — кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳужжалик фаолияти, шунингдек хуусий корхоналар — кичик тадбиркорлик субъектларининг бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-ҳужжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 89-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Жорий йилнинг олти ойи давомида жойларда намунавий лойиҳалар буйича умумий майдони 326,2 минг квадрат метр бўлган 2260 та якка тартибдаги ўй-жой фойдаланишга топширилган, бундай қурилишларнинг ресурслар базасини кенгайтириш мақсадида эса турли том ёпиш материаллари, шифер, ёғоч-толалы плиталар ва бошқа зарур хом ашё ишлаб чиқарувчи 126 та янги корхона ишга туширилган, йилига 88,2 миллион донга гишт ишлаб чиқариш қувватига эга 23 та завод қурилиб, мавжуд корхоналардан 16 таси модернизация қилинган шундан далolat беради.

Эътиборли жиҳати, шу тариха ривожланишга юз тутаётган Ўзбекистон қурилиш саноатини, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини дунё саноатчилари ҳам тан олмоқда. Буну уларнинг мутоахассислимииз, қурувчи тадбиркорларимииз билан ҳамкорлик ўрнатишга бўлган қизиқиши тобора ортаётганидан ҳам билиш мумкин. Аьнанавий тарзда ўтказилиб келинаётган мазкур кўргазма эса, айтиш мумкинки, хорижликларнинг бундай хоши-ис-таклари рўёбга чиқишида ўзимга хос

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шунини алоҳида айтиш керакки, парламентиинг профессионал органи сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қонунларни ишлаб чиқарадиган ва қабул қиладиган куйи палатаси ва худудий вакилик органи сифатида минтакаларимизнинг

Моддама-модда мувоҳима вақти-да баён этилган фикр-мулоҳазаларни хисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси Қонуни қабул қилди, ушбу ҳужжат маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Шундан сўнг депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Йулловчиларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қонун лойиҳасида линия тақсирлардан фойдаланишга доир муайян талаблар белгиланган. Мухокама вақтида баён этилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаш билан у уни биринчи ўқишда қабул қилиб, мазсул кўнмага ҳужжатиин иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тегишли вазиґасини топширдилар.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш вақтида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари савол-жавоблар ва тақлифлар билан иштирок этдилар. Ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг муҳокама си партиялар дастурларни ва сайловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, манфаадорлик, нуқтаи назарлар рақобати ва эркин мунозара вазиятда ўтди. Қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган энг мақбул тақлифлар мувоҳима қилинган ҳужжатларни маромига етказиш вақти-да хисобга олинди.

Шунингдек, депутатлар Қонунчилик палатаси мажлисинининг кун тартибига киритилган бошқа қатор масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Маъбул хизмати.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК, ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

кўприк вазиґасини ўтамоқда. Бу йилги тадбирда Россия, Қозоғистон, Хитой, Швейцария, Бельгия, Эрон сингари давлатларнинг 50 дан ортик компания ва корхона-



ди Эроннинг "Semnan Saleh Gursup Co" компанияси директори ўринбосари Мансур Жовид, — Қурилиш борасидаги ижобий ўзгаришлар, тармоқда аьнанавий

лари ўз маҳсулот ҳамда хизматлари билан иштирок етаётганини фикримиз исботидир. — Ўзбекистон — жадал ривожланиб бораётган мамлакат, — дей-

мазбоғларнинг қўлланишини сезиларли даражада қийинлаштиради, қонунларнинг ижро этилмаслиги, ҳуқуқий нигилизмга, яъни ҳар қандай ҳуқуқий норма инкор қилинишига, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлиги пасайишига олиб келади.

Шу маънода айтганда, Концепцияда қайд этилган амалдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунни янги тахрирда қабул қилиш, қонун ижодкорлиги жараёни янада такомиллаштириш айна муддаодир. Бунда, айниқса, қонун ҳужжатларини кодификациялашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Зеро, кодификациялаштириш қонун ҳужжатларини туркумлашнинг алоҳида қўриниши бўлиб, муайян бир соҳани тартибга солиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тубдан қайта ишлаш, уларни ягона тизимга солиш, эскирган, амалиётда ўзини оқламаган қондалардан воз кечишга хизмат қилади. Шу билан бирга, қонунлардаги норматив-ҳуқуқий ва ўзаро қарама-қаршиликлари, бири-бирини такорловчи нормаларни, бошқа моддаларга ҳавола қилишни бартараф этиш имконини беради.

Қонунчилиқнинг самарали бўлиши, аввало, унинг тизимлилиги, ўзаро мутоахассислиги ва орттиқча такоррлар бўлмаслигига боғлиқ. Қонун ҳужжатларининг ички тизимлилигини таъминлашда эса кодификация мумкин ўрин тутаети. Чунки у тўғрайли қонунчиликдаги мумкин ҳуқуқий нормаларни манткий бир-лаштиришни мажмуа вужудга келаети. Бундан ташқари, кодификацияда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шунчаки, оддийгина тўлланадиган. Балки ҳуқуқий тизимнинг умумий принципларидан келиб чиқиб, тар-

да хорижлик сармоядорлар ва иштирокдорлар учун қулай инвестициявий муҳит яратилгани биз учун айни муудоодир. Компаниямиз гишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Ҳуқуқий, маъмурий, мазкур тадбир асосида махсулотларимизни сотиш буйича қўпбал шартноамаларни имзолашга эришамиз.

Кўргазмада йул қурилиш техникаси, қурилиш материаллари ва хизматлари, интeрбeр, пардозлаш, дизайн сингари бўлимлар ташкил этилган бўлиб, тадбир доирасида турли семинар ва тақдимот маросимлари ҳам ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Халқаро кўргазма шу йилнинг 15 сентябрга қадар давом этади.

ДилшоД УЛУҒМУРОВА, «Халқ сўзи» муҳбири.

СУРАТЛАРДА: халқаро кўргазма фаолиятдан лавҳалар.

Ҳасан ПайДОВ олган суратлар.

ишти гуруҳлар ҳулосаларида ўз ифодасини топмоқда.

Қонун ижодкорлиги жараёни ўзига хос бўлиб, унда очилиқнинг таъминлишини ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, мукамал қонунларни қабул қилишда соҳа мутоахассис ва экспертларнинг, кенг жамоатчилиқнинг иштирокни таъминлаш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини хисобга олиш, фракциялараро тортишув ва партиялар электорати манфаати тўқнашувлари муҳим амалий аҳамият касб этади.

Бугун мамлакатимиз давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, фуқаролик жамияти институтларининг қарорлар қабул қилишидаги ролни кенгайтириши хисобга олган ҳолда, қонунларнинг сифатини ошириш мақсадида илмий, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик, жамоатчилик ва бошқа экспертларни ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида мувофиқ, Айни чоғда ҳаволаки нормалар, такоррланмиш ҳамда турли атамалардан фойдаланишни қамайтириш, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишдан олдин, у қабул қилингандан сўнг ихти-мий муносабатларга қандай таъсир этишини аниқлаш механизмининг такомиллаштириш, қабул қилинаётган қонунларнинг мукамаллиги ва муайян даражада тизимлашувига эришишда янги тахрирда қабул қилинаётган қонун лойиҳаларини маромига етказиш, амалдаги баъзи қонунларни янги тахрирда қабул қилишга устуворлик бериш, қонунларга ўзгариш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш-ни қамайтиришга эришиш ҳам муҳимдир.

Ҳулоса ўрнида айтганда, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, сифатли, мукамал қонунлар қабул қилишга эътиборни қамайтириш алоҳида аҳамиятга эга. Зотан, мукамал қонунлар мамлакатимиз тароққиятига, аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Даўлетбай ХАЛМУРАТОВ, Қорқоқпоғистон Республикаси одлия вазири.



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Эйтибор беринг: 1991 йили вилоятда атиги 17 та стадион бўлган бўлса, бугунги кунда футбол майдонлари 759 тага етди. Шу даврда 33 та замонавий теннис корти барпо эдилди. Тошқол, Учқўприк туманларида, Қувасой шаҳрида марказий стадионлар, Қува туманида соғломлаштириш маркази, Фаргона шаҳрида «Истиқлол» теннис мажмуаси, «Кимёгар» мажмуаси каби ўнлаб спорт иншоотлари қад ростилагани ёшларни спортга кенг жалб этишда янги уфқлар очди. Бу борада «Нефчи» профессионал футбол клуби қошидаги болалар ва ўсмирлар мактабида амалга оширилган ишлар, яратилган шарт-шароитлар тахсинга лойиқ.

Фаргона олимпиада захиралари спорт коллежини эса чин маънода истиклол меvasи, дейиш мумкин. 2003 йилда замонавий андозалар асосида қурилиб, жаҳон стандартларига мос ҳолда жиҳозланган бу муқташам таълим даргоҳи эндиликда бўлғуси чемпионлар масканига айланган. Уттан йили коллеж ўқувчилари мамлакат мусобақаларида 50 та, халқаро беллашувларда эса 3 та олтин медални қўлга киритгани бунинг ёркин далилидир.

Сўнги беш йил мобайнида ўндан ортик фароналик белбоғли кураш усталари Осиё ва жаҳон чемпионлари бўлишиб, юртимиз байроғини баланд кўтаришди. Жумладан, боғдошлик Аҳмаджон Жўрақуллов мазукур спорт тури бўйича икки қарра жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Абдулла

Мамаюсупов, Фозил Умурзоқов, Зоҳиджон Исмоилов, Шаҳодат Шералиева, Дилшода Юнусова каби номдор спортчиларнинг ортидан юзлаб издошлар етишиб келаётгани эса миллий спортимизда «Фаргона белбоғли кураш мактаби» деган таърифнинг пайдо бўлиб, шуҳрат топишига замин яратмоқда.

Шуни маънуният билан таъкидлаш керакки, Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Фаргона вилояти спортчилари ҳам энг нуфуз-

азоси, Ўзбекистонда хизмат қўрсатқан спорт устаси, халқаро тоифадagi жаҳам Рустам Маҳидовнинг ҳиссаси катта.

— Инсон меҳрга ташна, — дейди Рустамжон. — Мураббий учун ҳам энг кераклиси меҳр, сабр-тоқат, доимий изланиш, қатъий интизом, деб биламан. Шогирдлар меҳрибон инсонга, мураббийга эргашади, унинг этагидан маҳкам тутади. Мана, кўриб турибсиз, ўқув даргоҳимизда ўғил-қизларнинг соғлом ва билимли, қучли бўлиб камол топиши учун барча шароит мавжуд. Шу боис ҳам юртимиздаги имкониятларга ён-атрофимиздаги қўшилларимиз ҳавас билан қарамоқда.

янграганда, тўғриси, кўзларимдан ёш чикди. 50 га яқин мамлакат ўртасида биз — ўзбекистонликлар умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгалладик.

Мен голиблик шохсупасида туриб, юртимизда спортга катта эътибор қаратаётган Президентимиз олдида юзим ёруғ бўлганини ҳис қилдим. Отамнинг кўзида қувонч ёшларини кўрдим. «Тошкент» халқаро аэропортида кутиб олган онажоним шодликдан йилглар эди. Насиб этса, Олимпияда ўйинларида ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилишга ваъда бераман.

Албатта, бундай ҳаяжонни ушбу мусобақада иштирок этган Ойбек Шариповнинг сафдошлари — 57 кило-

ШУҲРАТИНГДАН МАСРУРМАН, ВАТАН!

ли халқаро мусобақаларда мунтазам қатнашиб, бу борадаги ютуқлари янада оширишга ҳисса қўшишмоқда.

Дарҳақиқат, Рустам Маҳидов раҳбарлигидаги ўнлаб мураббийларнинг фаолияти туфайли кейинги йилларда Рапкон бокс мактабидан Азиз Раҳмонов, Зоҳид Султонов каби жаҳон ва Осиё чемпиналари етишиб чикди. Уларнинг изидан бораётган Равшан Абдуназаров, Олим Алиқулов, Шоҳжаҳон Эргашев, Баҳром Фозилов, Довуд Рустамов каби ёшлар мамлакатимизда ўтказилган мусобақаларнинг фаол иштирокчилари.

Юқорида Рапкон қишлоғида ўтказилган халқаро турнир ҳақида сўз очган эдик. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу турнир иштирокчиси, бокс бўйича 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида хорижда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати олтин медали соҳибига Ойбек Шарипов билан суҳбатлашдик.

— Боксчи учун энг муҳими — галабага, ўз кучига бўлган ишонч, — дейди Ойбек. — Рақибим қозонганини Дидар Тўлаған эди. Унинг вазни 100 килограммдан ортик, Ростки, ҳажжонландим. Чунки қилмида жароҳатим бор эди. Аммо ортимда Ватаним, Юртбошим, ота-онам борлигини ёдга олдим ва шунда вужудимда катта куч пайдо бўлди...

Боксчи узра ҳилирбаб турган байроғимизни кўрганимда, мадҳиямиз

грамм вазнда олтин медал соҳибига бўлган Алиёр Норулиев, 60 килограмм вазнда қумуш медални қўлга киритган Исроил Мадримов, бронза медали соҳиблари — Улугбек Абдуқулов, Акбаржон Мелиниёзов ҳам дилдан ҳис қилишди. Ойбек, Алиёр, Акбаржон — Қўзон бокс мактабидан, Улугбек эса Фаргона шаҳридан.

Шу уринда муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ёшлар тарбияси, баркамол авлод деганда, биз Ўзбекистоннинг буюк келажагини назарда тутамиз» деган сўзларини эслаш ўринли деб ўйлаймиз. Зеро бугунги навқирон авлоднинг жаҳон майдонларида эришаётган ҳар бир галабаси, мустақил ҳаёт сари қўяётган ҳар бир қадами бизнинг буюк келажагимизга бўлган ишончимизга ишонч, гайратимизга гайрат қўшмоқда. Бундай ёшлар билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Хурлиқнинг ҳақиқ бордир, Юртинг хар ўғлониди! Игитнинг қўрки — ордир, Қадри оқса қонида. Меҳрида оташлари, Ўзбекистон ёшлари. Эллараро юрт шонини, Бошида баланд тутган. Ўзбекининг хар ўғлонини, Майдонда олқиш қутган. Метиндек бардошлари, Ўзбекистон ёшлари.

Маҳмуд ТОИРОВ, Ўзбекистон халқ шоири.

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА КАТТА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИЛАЁТГАН ЭНГ ИЛГОР ЕТАКЧИ ЎН МАМЛАКАТ САФИДАН ЖОЙ ОЛДИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Давлатимиз томонидан поливитаминалари ҳарид қилиш учун 8 миллиард сўм ажратилди ва бу ҳар йили қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 400 минг нафар қоҳилдор аёлни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш ва болаларнинг туғма нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконини бермоқда. Шунингдек, уни зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, тузни йодлаш дастурлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бундай хайрли ишлар самарасида ҳамда даволаш ва профилактика хизматларининг ўз вақтида қўрсатилаётгани сабабли аҳоли ўртасида йод танқислиги ва туғиш ёшидаги аёллар орасида камқонлик касаллиги сезиларли даражада қамайди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу йўналишда олиб борилаётган фаолиятни кенгайти-

риш мақсадида 2009 йил 1 июлда қабул қилинган қарорига мувофиқ, 2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кўайтириш ва самарандорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури ҳаётга изчил татбиқ этилаётди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу Дастур ижросини таъминлаш доирасида туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, ҳомиладорларга тиббий ёрдам қўрсатувчи муассасалар ва бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдам қўрсатиш бўйича халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш, тиббиёт ходимларини ўқитиш, оилада тиббий маданиятни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ўзбеки-

стонда болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга оммавий жалб этишга қаратилаётган алоҳида эътибор баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар болаларнинг Дастури ҳаётга изчил татбиқ этилаётди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу Дастур ижросини таъминлаш доирасида туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, ҳомиладорларга тиббий ёрдам қўрсатувчи муассасалар ва бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдам қўрсатиш бўйича халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш, тиббиёт ходимларини ўқитиш, оилада тиббий маданиятни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ўзбеки-

балки қишлоқларда ҳам халқаро стандартларга тўла мос келади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг барча аҳолисига малакали тиббий ёрдам қўрсатиш имконини бермоқда. Бу мазукур комплекс чора-тадбирларнинг амалдаги самараларидир. 1991 йилдан буён мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими 3 баравар қамайди. ЮНИСЕФ Ўзбекистоннинг оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш моделини минтақа мамлакатлари учун намуна сифатида эътироф этди. Мамлакатимизнинг «Save the children» халқаро ташкилот рейтингиди жаҳоннинг ўн та энг етакчи давлати қаторига киритилгани Ўзбекистон болалар саломатлиги, уларнинг келажиги, демак, мамлакат ва халқнинг истиқболи йўлида алоҳида ғамхўрлик қўрсатаётган давлат эканининг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА муҳбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@ks.uz

Самарқанд ва Бухоро таассуротлари Италия матбуоти саҳифаларида

Италияда нашр этиладиган «MARIE CLAIRE Travel» сайёҳлик журналининг навбатдаги сониди Ўзбекистон Республикасига бағишланган бир неча мақола эълон қилинди. Улардан бири — «Сирлар ва маҳобат» сарлавҳали мақола сураткаш рассом Эмануэле Козмонинг қаламига мансуб. У италиялик ўқувчиларни Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарлари — Самарқанд ва Бухоро билан ақиндан таништиради.

Муаллиф юз йиллар муқаддам кечган қарвонлар қатновларию маданий ва савдо алмашувларига гувоҳ бўлган кўҳна Самарқанд, Буюк Ипак йўли ва Урта Осиёнинг улғувор салтанати сингари тарихий ҳақиқатлар ҳеч қимни бефарқ қолдирмаслиги, қишини фикран мазий сари етаклаши ҳақида тўлқинли қалам тибратган.

«Самарқанд — замин гўзаллигининг, Бухоро — руҳият гўзаллигининг рамзидирки, бу шаҳарлар ўзининг маҳобатли меъморий ёдгорликлари ҳамда мовий рангдаги минглаб нақшанкор безаклари билан сайёҳларда соҳибқирон Амир Темурнинг афсонавий даври ҳақида катта тасаввур уйғотади», деб ёзади Эмануэле Козмо.

Бухоро тўрсидаги таассуротларини ўз ўқувчилари билан ўртоқлашар экан, «Қизилқум саҳроси воҳасини даву бўмбўзиёвий шаҳар Марказий Осиё ислом маданияти ёдгорликларига жуда бойдир. Мамлакат бўйлаб саёхат қилар экансиз, бугунги кунда ҳам Ўзбекистон авлодлар руҳи ва аъёналарини сақлаб қолганини англаш мумкин. Бу мамлакат бой тарихга, ақини шоширадиган даражадаги меъморий ижодкорлик намуналари ҳамда ўзига хос Шарқ бозорларига эга», деб ёзади у.



Дунё нигоҳи

кур шаҳарлар дунёнинг маркази бўлган, деган фикрга келасиз», дея таъкидлайди муаллиф. «Гўё ортга, кўҳна тарихга, маҳобатли қоҳилдор, қарвонсаройлар даврига қайтгандек бўласан, қиши. Самарқандга қирибоқ Шоҳи Зиндани — Урта аср ислом ҳаёти ва маданиятига гувоҳ бўлган қадим мақбаралар, мадраса ва масжидлардан иборат бўлган меъморий мажмуани кашф этасан».

Э. Козмо чор-атрофини ўраб турган бетакдор тарихий иншоотлар, уларнинг шакли ва ранг-баранглигидан ортттирган таассуротлари ҳамда ҳис-ҳаяжонларини фотосуратлар воситасида ифодалашга ҳам ҳаракат қилган. «Мовий рангга фарқ бўлган безаклар жойлашувига эътибор қаратмаслик асло мумкин эмас, — деб ёзади муаллиф. — Нақшлар симметрияси, бе-

Мақолани ўқир экансиз, Лаби ҳовуз майдони, муқташам Нодир Девонбегӣ мадрасаси, Қўқалдош мадрасаси, чор-атрофи усти ёпиқ бозорлар билан ўралган маҳобатли миноралар ҳам муаллифни бениҳоя хайратда қолдирганини пайқаш қийин эмас.

«Жаҳон» АА. Рим

Реклама ва эълонлар

КЕНГ ТУРДАГИ НАСОС УСКУНАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ



GRUNDFOSNING ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ
Ўзбекистон Республикаси, 100015, Тошкент ш., Ойбек к., 38-«А» уй
Тел.: (+998 71) 150-32-90, (+998 71) 150-32-91, (+998 71) 150-32-92.
E-mail: uzbekistan@grundfos.com
Web: www.grundfos.uz

- КАФОЛАТ — 2 йил
- СЕРВИС ХИЗМАТИ
- МАСЛАҲАТЛАР

Ташкилот 2011 йил ҳосилидан **КАТТА МИҚДОРДА**

- УКРОП
- ПЕТРУШКА
- КАШНИЧ
- СЕЛЬДЕРЕЙ
- КЎК ПИЁЗ

СОТИБ ОЛАДИ
Тел. (+998 93) 555-54-54. E-mail: sabzavot91@mail.ru

ЎЗ СТИНДИНГИЗГА ЭГА БЎЛИНГ! Иштирок этиш масалалари бўйича ташкилотчилар офисига мурожаат қилинг 113 01 80

miningworld TOF-КОН ИШИ 6-ЎЗБЕК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

MACHINERY CENTRAL ASIA МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК 4-МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

UZSOMAK ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ВА КОММУНАЛ ТЕХНИКА 3-ЎЗБЕК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

«Ўзэкспомарказ» Тошкент, Ўзбекистон

ITE Uzbekistan Мустақиллик шохқўчаси, 59-«А» уй. Тошкент, 100000, Ўзбекистон. Тел.: +(998 71) 113 01 80, Факс: +(998 71) 237 22 72, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, Web: www.ite-uzbekistan.uz

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 260,2 ▼ - 25,4 **ЦЕМЕНТ (пц400 қд20) 274,7 ▲ + 31,4** **АРМАТУРА 3343,0 ▲ + 8,1** **ШИФЕР (1 лист) 15800 ▲ + 21** **АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ + 1,1** **Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.**

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 152196 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР: **Девонхона 233-52-55;** **Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.**

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — С. Махсумов. Мусаҳҳих — С. Исмолов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.55 Топширилди — 03.50 1 2 3 4 5